# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИНИНГ МАХСУС СОНИ

1995 йил, 23 февраль, пайшанба № 23 (505)

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК ЦЕНТРАЛЬНОГО ПЕЧАТНОГО ОРГАНА МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Четверг, 23 февраля 1995 г. № 23 (505)

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Сотувда эркин нархда

В розницу цена свободная

2 ИДЕТ ЗИМНИЙ ПЕРИОД ОБУЧЕНИЯ

3 ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ!

4 5 ТЕЛЕПРОГРАММА

Ташкент
Москва
Алматы

6 ИНДИЙСКИЙ ГОРОСКОП

7 ДТП: ДВЕ СТОРОНЫ ОДНОЙ МЕДАЛИ

8 СПОРТ. СПОРТ. СПОРТ.




## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси бугун, 23 февраль куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 23 февраль куни эрта билан 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида рўйхатга олинади.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов уруш йилларида асирга тушган ва дом-дараксиз кетганлар бўйича Америка — Россия комиссиясининг ҳамраиси Мэлколм Тун бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Инсон қадри ва унинг хотираси ҳар вақт азиздир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Шу жиҳатдан Америка Қўшма Штатларининг уруш йиллари бедарак йўқолган ва асирга тушган ҳар бир фуқароси тақдири ҳақида жиддий қайғураётгани бу улкан давлатнинг халқпарварлигидан дарақдир.

Мэлколм Тун самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди. У ўзи раҳбарлик қилаётган делегациянинг Ўзбекистонга ташрифидан кўзланган мақсад ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистон ҳукумати бу борада ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигидан мамнуният билдирди.

Суҳбат чоғида уруш йиллари ва 1950—1960 йиллари дом-дараксиз кетган америкалик ҳарбий хизматчилар тақдири ҳақида ҳамжиҳатликда маълумот тўплаш масалалари муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Республика Ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

(ЎзА).



Бугунги кунда жонажон Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларида ҳукм сураётган барқарор тинчлик-осойишталик мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсий, маданий ва бошқа жабҳаларда янада ривожланишига бош омил бўлмоқда. Бунда Қуролли Кучларимизнинг сержант Ҳусан Тўхтасинов (суратда) хизмат қилаётган қисм жангчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

— Солдатларнинг жисмонан етуклиги, маънан ва руҳан соғломлиги хизматнинг асосий негизидир, — дейди у. — Ақл идрокли бир солдат кўплаб уқувсиз ғанимга бас келиши, шубҳасиз. Шу боис мен шахсий таркибнинг халқимизнинг қадимий анъаналарига содиқ, мард, ботир ва заковатли бўлишларини истайман ва бу эзгу ишда ҳеч қачон ўз меҳнатимни аямайман. Зеро, она-Ватан тинчлиги ва фаровонлиги бизнинг энг эзгу, муқаддас бурч ва вазифамиздир.

А. МАНТРОВ олган сурат.

## ҚИСМ ВА БЎЛИНМАЛАРДАН ХАБАРЛАР

### КЕЛАЖАК ЁШЛАРНИНГ ҚЎЛИДА

Ҳарбий хизмат мени улғайтирди. Атрофимдаги воқеа ҳодисалар ҳақида бемалол фикр юритадиган бўлдим. Мен учун армия яхши бир олийгоҳ ўрнини ўтаяпти. Бу ерда бир нечта турдаги машиналарни бошқаришни ўргандим. Бундан ташқари ота-боболаримиздан мерос бўлмиш мардлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик каби хислатларнинг асл маъномоҳиятига етиб бордим.

Командиримиз катта лейтенант Х. Ўролов бизга ҳар ишда бош-қош. Ҳарбий касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Мен учун, айниқса, техника сирларини ўрганиш осон бўлмади. Хизматни бошлаган вақтларим, менга ишониб топширилган машинанинг ҳайбатини кўриб, «буни бошқаришга қурбим етадими?» деган савол мени қийнаганди. Энди эса буларнинг ҳаммаси оддий юмуш. Офицерларимиз бу машиналарнинг тузилиши ва бошқариш сирларини қунт билан ўргатишмоқда.

Бўлинмамиз аскарлари қоровул хизматини ўташда ҳам батальонда барчага намуна бўлиб келишмоқда. Бу ўринда катта сержант Х. Абдуллаев, оддий аскарлар Н. Ўрозметов, У. Жўраев каби сафдошларимни фахр билан айтишим мумкин.

Мен яна шуларни ёзишим керакки, ота-оналаримиз биздан умуман хавотир олишмасин. Ейиш-ичишимизда камчиликлар йўқ. Ҳар кун нонуштага сариёғ, ширинчой, иссиқ овқат беришади. Тушлигимиз ва кечқурунги овқат ҳам бундан кам эмас. Ётоғимиз иссиқ.

Хизмат ёшига етаётган укаларимизга эса шундай маслаҳат бераман. Спорт билан мунтазам шуғулланишсин, илм олишда ҳеч ҳам ялқовлик қилишмасин. Чунки қайси юртнинг ёшлари соғлом, билимдон, ишбилармон бўлса, ўша юртнинг келажаги порлоқ бўлиши шубҳасиздир.

Катта сержант
У. РАҲМОНОВ.

## СЛУЖАТ СЫНЫ УЗБЕКИСТАНА

# ПЛЕЧОМ К ПЛЕЧУ В ОДНОМ СТРОЮ

**Оружие сегодняшней армии коллективное. А это значит, что каждый на своем месте должен выполнять свою задачу полностью, только тогда возможно достижение успеха подразделением в целом. Тем более, если это касается обеспечения безопасности полетов.**

Один из важнейших моментов безопасности полетов — это бесперебойная связь. Ошибок здесь быть не должно. Я и мои товарищи прекрасно понимаем, что от наших действий зависит многое. Исправная работа аппаратуры и каналов связи обеспечивает слаженность и четкое взаимодействие боевых машин в воздухе. Для этого требуются твердые, отработанные до автоматизма навыки и надежные знания.

Поэтому в часы занятий в классе мы стремимся получить как можно больше информации от командиров и старших товарищей. Применение этих знаний на практике дает возможность значительно повысить уровень профессионализма.

В качестве примера хотелось бы назвать тех, кто добросовестно, грамотно, ответственно несет вахту на средствах связи: это — рядовые А. Эшмурадов и М. Кашанов.

Таких воинов, как они, в нашей роте немало. К ним всегда обращаются за советом новички. Опытные воины, где добрым словом, где личным примером, оказывают помощь военнослужащим, только начинающим свое солдатское становление.

Подготовить себе достойную замену — одна из главных задач рядовых Эшмурадова и Кашанова. В свое время заботливое, дружеское отношение товарищей дало им возможность в кратчайшие сроки освоить вверенную технику. Когда их старшие наставники покидали ставшую родной воинскую часть, они твердо знали, что там остались парни, которые не хуже их справятся со своими служебными обязанностями.

Сколько бы лет ни прошло, подняв глаза к распростертому над нашим Узбекистаном небу, каждый из нас вспомнит годы своей службы, тесно связанные с этим небом. Годы, когда формировался настоящий мужской характер, острее стали чувствоваться такие понятия, как долг, взаимовыручка, армейское братство. Все это, вероятно, испытал каждый воин, честно выполняющий свой конституционный долг перед любимой Родиной.

Храня память о беспримерном подвиге наших дедов и отцов, ковавших Великую Победу, я, как и все воины-узбекистанцы, хочу заверить, что такой сплоченный воинский коллектив, как наш, поставленную задачу выполнит. И небо над Узбекистаном всегда будет мирным и спокойным.

Младший сержант
И. ТУРДИЕВ.

